

ИСЛОМ ҚАДРИЯТЛАРИ - ШАХС МАЊНАВИЯТИ ТАКОМИЛИДА МУҲИМ ОМИЛ СИФАТИДА

Sultonov Muhammad Yoqub o‘g’li
JDPU 3 bosqich tayanch doktoranti

Мустақиллик туфайли юртимизда инсониятни бағрикенглик, поклик ва меҳроқибатга чорловчи муқаддас динимизни асраб-авайлашга, ёш авлодни халқимизнинг миллий ва диний қадриятларига ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Диний таълим тизимини такомиллаштириш, пухта билимга эга, соғлом фикрли мутахассисларни тайёрлаш доимий эътиборда.

Дарҳақиқат, Президент И.А.Каримов “Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда” номли асарида таъкидлаганидек, “Биз ўз миллатимизни мана шу муқаддас диндан айро ҳолда асло тасаввур қила олмаймиз. Диний қадриятлар, исломий тушунчалар ҳаётимизга шу қадар сингиб кетганки, уларсиз биз ўзлигимизни йўқотамиз”¹.

Диний бағрикенгликни тарғиб этиш кўп жиҳатдан диний таълим тизимининг тўғри йўлга қўйилганига боғлиқ. Ўзбекистон Республикасида фаолият олиб бораётган Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети ҳамда Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги Тошкент ислом институти, 9 та ўрта маҳсус ислом билим юртида таҳсил олаётган ёшлар исломнинг нақадар инсонпарвар, тинчликсевар ва бағрикенг дин эканини мустақиллик шарофати билан англаб этаётганлари фикримизнинг яққол тасдиғидир.

Юртимизда диний таълим ўзининг кўп асрлик тарихига эга. Юртимизда илк ўрта асрлардаёқ ҳам диний, ҳам дунёвий фанлар ўқитиладиган кўп тармоқли мадрасалар тизими мавжуд бўлган. Мадрасалар минтақада жадид мактаблари пайдо бўлгунга қадар ўрта-маҳсус ва олий маълумот берувчи асосий ўқув юрти саналган.

Ушбу масканларда таҳсил олган ва дунёвий илм-фан равнақига беназир ҳисса қўшган Беруний, Хоразмий, Ибн Сино ва Улугбек сингари буюк алломаларнинг номини бутун олам билади. Ислом олами Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Лайс Самарқандий, Бурҳониддин Марғиноний, Имом Мотуридий каби уламоларнинг асарларини ҳануз катта қизиқиши билан ўрганмоқда. Улар ислом эътиқодини таълимот, назария, илм-фан даражасига кўтарганлар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 августдаги “Дин соҳасидаги мањнавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятини янада такомиллаштиришда ижтимоий кўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида”ги қарори билан Тошкент ислом институти ва ўрта маҳсус ислом билим юртларида жорий этилган таълим стандартлари, ўқув режалари ҳамда талабаларга қабул қилинган давлат меъёрларига мувофиқ диний ва дунёвий таълим берилаётганини инобатга олиб, мазкур билим юртининг битирувчиларига бериладиган дипломлар давлат таълим хужжати сифатида эътироф этилди.

Шахс мањнавий камолотида ислом динига ёт турли экстремистик оқимларнинг кирдикорлари ва бузғунчи ғоялари ҳақида батафсил маълумотлар бериб

5-Aprel, 2025-yil

бориши, огох бўлишга даъват этиш бугунги глобаллашув жараёнларида муҳим омил ҳисобланади. Айни пайтда умумтаълим мактаблари, ўрта маҳсус қасб-хунар коллажлари ва олий таълим муассасаларида динлар тарихи ва диншунослик фанлари ўқитилиши билан бир қаторда, “Муқаддас динимизга юксак эътибор ва эҳтиром”, “Бағрикенглик — барқарорлик ва тараққиёт омили”, “Ислом маърифати: аслият ва талқин”, “Маърифат — тинчлик асоси” каби қўплаб китоблар ва ўқув услубий қўлланмалар нашр этилиб, диний таълим муассасаларига тарқатилган. Мақсад юртимида диний бағрикенгликни таъминлаш ва ёш авлодни маънавий баркамол қилиб тарбиялашга қаратилган.

Ўзбекистон давлат сиёсатида диний таълим тизими тубдан ислоҳ қилиниб, буюк аждодларимиз мангу қўним топган муқаддас қадамжолар қайта таъмирланаётганини халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилмоқда. Хусусан, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ИСЕССО) томонидан Тошкент шахри 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилингани бежиз эмас. Бу бир томондан, она заминимизда хоки поклари қўним топган улуғ аждодларимиз, қанчадан-қанча тафаккур сохибларининг табаррук номлари ва қолдирган меросига, халқимизнинг ислом маданияти ривожига қўшган бекиёс ҳиссасига билдирилган улкан эҳтиром бўлса, иккинчи томондан, мустақиллик йилларида юртимида миллий ва диний қадриятларимизни ўрганиш, асраб-авайлаш, ёш авлод онгига эзгу ғояларни сингдириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишларнинг жаҳон жамоатчилиги томонидан юксак эътирофидир.

Ислом дини дунёдаги энг кенг тарқалган динлардан биридир. Ўзбекистонда яшовчи маҳаллий халқларнинг аксарияти азалдан ушбу динга эътиқод қилиб келган. Тарихдан яхши маълумки, исломнинг ҳаётий динлиги ва шароитга қараб иш кўра олиши, шарқ халқларига миллий ўзлигини сақлашлари учун кўмаклашди.

Сўнгги вақтларда ислом кенг тарқалган жойлардаги ижтимоий-сиёсий жараёнларда ва умуман жаҳон ҳамжамияти ҳаётида ислом омилининг фаоллашуви кўзга ташланмоқда. Ислом омилидан ғаразли мақсалари сари фойдаланишга, ушбу динни дунё халқлари ҳаётидаги ўрнини пасайтиришга ва унга нисбатдан турли муносабатларнинг шаклланишга туртки бераётган ҳолатлар юз бераётган бўлса,

Ўзбекистонда мустақиллик шарофати билан исломий қадриятлар тикланиб унинг жамият маънавий тараққиётидаги ўрнига жиддий эътибор қаратилмоқда. Буюк аждодларимиз каби ислом динига ахлоқий, тарбиявий, маърифий, маънавий таълимот сифатида қаралмоқда. Унга ҳамоҳанг равишда мамлакатимизда таълим тизимини ислоҳ қилиш ва миллий кадрлар тайёрлаш ишлари ҳам давом эттирилмоқда. Глобаллашув шароитида мамлакатимиз ёшларининг маънавий тарбиясида, уларнинг баркамолликка эришувида миллий қадриятларнинг ўрни муҳимдир. Зеро, ёшлар онгига миллий қадриятларни сингдиришда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида олиб бораётган амалий чора-тадбирларимиз нақадар тўғри эканлигини даврнинг ўзи исботлаб турибди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ, янгича таълим тизимининг жорий этилгани ва миллий кадрларни тайёрлашда ислом омилидан фойдаланиш

йўллари ва воситалари тўғри ташкил этилди. Таълим тизими ислохотида ёшларга, аввало, замонавий илм, шарқона тарбия ва касб-хунар ўргатиш асос қилиб олинди. Айни вақтда миллий ва диний қадриятларнинг ёшлар тарбиясига, улар дунёқарашининг шаклланишига таъсири ҳам ҳисобга олиниши табиий. Чунки, Ўзбекистонда хуқукий демократик давлат қуриш вазифасида дин маънавиятнинг таркибий қисми сифатида барча миллий қадриятлар қаторида тенг ҳуқуқли қадрият ҳисобланади. Тарихга назар ташласак, собиқ Иттифоқ даврида ҳар қандай динга ва диний эътиқодга қарши курашилган бўлса, мустақиллик йилларида ҳақиқий виждан эркинлиги ўрнатилиб, барча диний ташкилотларга, диндорлар ва уларнинг урф-одат, маросимларни адo этишларига кенг имкониятлар яратиб берилди. Президентимизнинг бевосита ташабbusлари билан ҳозирги кунга қадар, юртимизда бир қанча масжиду мадрасалар қайта таъмирланди ва янгиларини қуриш ишлари давом эттирилмоқда. Шунингдек, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида илмга чанқоқ ёшларимизга Ислом институти, Ислом университети каби олий ўқув юртларида диний ва дунёвий билимларни эгаллашлари учун кенг шарт-шароитлар яратилди.

Давлатимиз томонидан диний ташкилотларга қўпгина шарт-шароитлар яратилиб, жамият тараққиётининг турли жабҳаларида уларнинг фаол қатнашишлари қўллаб-куватланмоқда. Бу борада хукуматимиз томонидан олиб борилаётган сиёsat бугунги кунда ҳар томонлама ўзини оқламоқда.

Республикамизда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга оширишда ислом омилидан тўғри фойдаланиш юзасидан, аввало, динлар тарихи, хусусан, ислом тарихи, дин ва ҳурфиқрлилик фалсафаси муаммолари бўйича мутахассис кадрлар тайёрлаш ишлари жадаллаштирилиб, деярли барча ўқув масканларида “диншунослик асослари” ўқув дастуридан ёшларга сабоқ бериш изчил йўлга қўйилган.

Президентимиз таъбири билан айтганда, комилликка эришиш учун, аввало, дунёвий билимларни, қолаверса, диний билимларни эгаллаб бориши мақсадга мувофиқдир.

Диний таълимотлар, диний гоя, диний қадриятлар ҳаёт тарзи сифатида жаҳон халқлари ҳаётида муҳим ўрин тутади. Дин ва диний эътиқод инсоннинг руҳий эҳтиёжларини қондирса, илм, фан, кашфиётлар одамларнинг ижтимоий-ахлоқий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган. Ўзбекистон қадимдан кўп конфессияли худудлардан ҳисобланса-да аксарият халқ ислом динига эътиқод қилиб келган.

Ислом дини минтақамиз халқлари ҳаётига кириб келиши, унинг қадриятлари одамлар онги ва шуури, турмуш тарзидан ўрин олиши билан шахс маънавиятининг шаклланиши ва юксалишида янги босқични бошлаб берди. Чунки “...дин ўз мазмун-моҳияти билан азалдан жамият тараққиётига, кишиларнинг тафаккури ва маънавиятига, шу жамиятга холисона хизмат қиласидан маънавий комил инсонларни тарбиялашдек шарафли ишга хизмат қилиб келган”¹. Ҳақиқатдан ҳам, ислом динининг халқимиз маънавияти ва маданияти ривожига катта ҳисса қўшиб келаётганлигини кўпчилик тадқиқотчилар эътироф этмокдалар.

Куръони карим ва ҳадиси шарифга суюнган ҳолда маҳаллий ҳалқларнинг ўз миллий маданияти, урф-одатлари ва маросимларини бажариши (айниқса, ҳанафия мазҳабида) тақиқланмаган. Бунда исломий қадриятлар билан миллий қадриятлар ёнма-ён яшаган, ҳаттоқи, айрим ҳолларда уйғунлашиб ҳам кетган. Бизнинг ҳудудимизда исломдан ташқари бошқа динлар (зардуштийлик, буддавийлик, христианлик) ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг дин сифатида фаолият кўрсатиши, қадриятларига амал қилиш ислом тарқалгандан кейинги асрларда ҳам давом этган.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ислом динининг асл моҳиятини ва инсониятни эзгуликка элтувчи дин эканлигини илмий асосланган ҳолда теран ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида кўп асрлик миллий ва диний қадриятларни асрраб-авайлаш, дунё маданиятига хисса кўшган аждодларимиз меросини ўрганиш, унинг асосида ёшларни комил инсон қилиб тарбиялаш жамиятда барқарор ижтимоий маънавий муҳитни таъминлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади¹.

Ўзбек ҳалқининг маънавий ахлоқий қадриятлари, фазилатлари асосан Куръони Карим ва ҳадислардан олинган. Чунки ҳар бир ҳалқнинг маданиятининг таркибий қисмини дин ташкил этади.

Ўзбекларнинг қадриятли мезонлар тизимининг энг муҳим таркибий қисмларидан бири катта ёши, кекса кишиларга ҳурмат ва иззат билан қарашдир. Кўпгина ҳолларда оилани бошқаруви боболар ва бувилар ҳисобланади. Оиладаги барча фарзандлар қарор ва маслаҳатларига қулоқ соладилар. Байрамларда ва хайитларда ота-оналар ҳамда ёши улуғ қариндошларни зиёрат қилиш, соғлиги ҳақида хол аҳвол сўраш, ғамхўрлик қилиш одатга айланган. Болаларнинг ўз ота-оналари ҳамда кекса, ёлғиз қолган қариндошларини боқишлари ва уларга васийлик қилишларидан иборат анъанага қатъий риоя қилишади.

Ўзбек оиласидан бевалар, етимларга ёрдам бериш савоб иш ҳисобланади. Шунингдек, қўшничилик ҳаққи ҳақида ҳам ҳадисларда шундай дейилади: “Ҳазрати Ойша айтадилар; “Мен Расулulloҳдан: “Ё Расулulloҳ! Менинг иккита қўшним бор, ҳадяни шулардан қайси бирига беришим керак?” – деб сўраганимда, Расулulloҳ: “Қайси биттасининг эшиги сенга яқинроқ бўлса, ўшанга берасан”, - дедилар.²”

Қўшнига яхшилик қилиш, айни пайтда таом киргизиш одатлари айниқса, ҳозирда ҳам урф-одатга айланиб қолган.

Айниқса, Тасаввуф таълимоти Шарқ мусулмон ҳалқлари ҳаётида ўчмас из қолдирган. Тасаввуф мусулмон Шарқи ижтимоий маънавий ҳаётига чуқур сингиб борди, фан, маданият ва адабиёт, санъат ривожига ижобий таъсир кўрсатди. Тасаввуф адабиётини ўрганмасдан туриб, ўрта асрлар мусулмон Шарқи маданий ҳаёти ҳақида тасаввурга эга бўлиш мумкин эмас.

Шарқ уйғониш даврининг эстетик тафаккури тараққиётида гўзаллик туйғусини идрок этиш, борлиққа эстетик муносабатда бўлиш инсоннинг ахлоқий-хўлкий хислатлари орқали намоён бўлиши ислом эстетикасининг моҳият мағзини ташкил этади.

Инсоннинг тафаккур гўзаллиги, маънавий рухий гўзаллиги ислом эстетикасининг асосини ташкил этади ва инсон аввало, ахлоқи туфайли улуғланади.

Ислом маданиятида инсонда асосий гўзаллик маънавий гўзаллик бўлган. Шарқ мутафаккирлари назарида қиз бола гўзаллиги қалбидадир.

Сўфийларда моддий гўзаллик инкор этилмайди, аммо моддий дунё қимматли эмас деб қаралади.

Оллоҳ Сизнинг суратларингиз ва амалларингизга эмас, балки қалбларингиз ва ниятларингизга боқар дейилган. Инсонлардаги маънавий руҳий гўзаллик қадрланади. Агар маъно бўлсаю, зоҳирий безаклар топилмаса – хатарли эмас. Муҳими руҳ (гўзаллиги) маъмурлигидир. Энг гўзал нарса нима десалар вужуддаги руҳ, энг хунук нарса эса руҳсиз вужуддир³.

Ислом динида инсон гўзаллиги маънавияти ила базанмоғи лозимлиги кишининг қалби гўзаллиги муҳим аҳамиятга эга.

Ёши ўтиб қолган оналарни ҳурмат қилиш мусулмон маънавиятининг характерли хусусиятларидан биридир. Ислом динида оналар иззат ҳурмат қилиниши кундай равшан.

Алишер Навоийнинг “Насойимул муҳаббат” асарида шундай дейилади. Бир киши Шайҳдан ҳаж ниятим бор деб айтади. Шунда Шайҳ онанг борми? деб сўрайди. У ҳа деб жавоб берди. Шайх: ёниб онанг мулозаматига бор. Мен 50 ҳаж қилибман, бош яланг, оёқ яланг ва зоду хамроҳсиз. Барчасин сенга бердим, сен онинг кўнгли шодлигин менга бер! 4– дедилар.

Бир киши сўради: “Эй, Расулуллоҳ, мен яхшилигимни кимга қилсан бўлади ? – деб сўрадим. “Онағга, дедилар. Мен шу савонни уч маротаба қайтарсан ҳам, Расулуллоҳ: “Онағга”, - деявердилар. Тўртинчи маротаба сўраганимда: “Отангга ва яқин бўлган қариндошларингга”⁵ – дедилар.

Қуръон ва ҳадисларнинг мазмун моҳиятида шарқона аҳлоқнинг ўзига хослиги оналар, аёллар эъзозланади.

Шунингдек, ислом маданиятида қизлардаги гўзаллик сурати билан эмас, сийрати билан баҳоланиши Алишер Навоидек буюк мутафаккирлар ижодида тасвирланган. Шунингдек, ислом маданиятида инсонни тасвирлаш масаласида асосий гўзаллик маънавий гўзаллик бўлган. Ҳадисларда “Аллоҳ сизнинг суратларингиз ва амалларингизга эмас, балки қалбларингизга ва ниятларингизга боқар”⁶ дейилган.

Инсон чеҳрасида Аллоҳ Таоло нури акс этар экан, унга тескари ўтириш Ҳаққа юз ўтириш, яъни гуноҳ саналади. Шунинг учун ҳам ўзимизга хос шарқона аҳлоқимизга кўра, ёши улуг қишиларнинг олдидан орқа ўтириб эмас, тисарилиб чиқиб кетиш одат тусини олган, деб ёзади Тилаб Маҳмудов.⁷ Бу шарқ аҳлоқининг ўзига хос жиҳатларидир. Шарқ тафаккурида аёл, қизларимизда “Андиша”, “Ҳаё” каби тушунчалар муҳим саналиб, айнан қўполлик ишлатилмайди.

Хулоса шуки, шарқона аҳлоқимизга кўра, андишасизлик бизга тўғри келмайди. Бирон ёмон сўзни айнан эмас, балки қофозга ўраб айтиш мажозий маънода қўллаш ўзига хос эди. Аммо, фаросатли қизларимиз, оқила аёлларимиз бу имо-ишоранинг маъносини дарров тушуниб оладилар. Шунинг учун ўзаро мулоқотда қўполлик, беандишлик кабилар ишлатилмайди. Шарқ уйғониш даврининг эстетик тафаккури тараққиётida гўзалликни идроқ этиш, унга муносабатда бўлиш инсоннинг

ахлоқий-хулқий ҳислатлари орқали намоён бўлиши ислом динининг моҳият мағзини ташкил этади.

Инсоннинг қалби ва онгини эгаллашга, ёшларнинг маънавий дунёсига турли таҳдидлар кучайиб бораётган бугунги кунда ўзининг бебаҳо меросини теран англаб, она юрга мухабbat ва садоқат ҳисси билан яшайдиган, имон-эътиқоди мустаҳкам ёш авлодгина муқаддас заминни ёт ва бегона таъсирлардан, бало-қазолардан сақлашга, Ватанини ривожлантиришга қодир бўлади. Шундай экан ёшларни тарбиялашда ислом динидаги асл инсонпарварлик ғоялари, юксак маънавий ахлоқий қадриятларларни мазмун моҳиятини тўғри тушуна билиш, аждодларимиз меросидан фойдалана олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ҳалқимизнинг ахлоқ ва одоб ҳақидаги қадриятлари минглаб йиллар давомида шаклланиб, ривожланиб борган. Айниқса исломдаги маънавий қадриятлар, буюк мутафаккирларнинг маънавий ахлоқий қарашлари, фикрлари миллий маънавиятимизга асос бўлиб хизмат қилди. Булар иймон эътиқодлилик, андишалилик, ҳалоллик, поклик, бироннинг ҳаққига ҳиёнат қилмаслик, ота онага меҳрибонлик, инсонни қадрлаш, устозларга ҳурмат, меҳмондўстлик, саҳоватпешалик каби қадриятлардир.

Қадриятлар жамият инсон фаолиятига ижобий таъсир кўрсатаркан, ислом динидаги асл инсонпарварлик, адолат, эзгулик каби юқоридаги қадриятлари маънавий мезон сифатидаги аҳамияти яққол намоён бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ислом динининг муқаддас китоби Қуръонда таърифлаб берилган илоҳий қадриятлар ҳалқимизнинг маданиятига ниҳоятда катта таъсир кўрсатган. Қуръондан кейинги муқаддас манба сифатида имом Бухорий, ат-Термизий каби буюк хадисшуносларнинг ислом маданиятига қўшган хиссаси бекиёсdir. Айниқса, тасаввуф таълимотида комил инсоннинг ахлоқ кодекси ишлаб чиқилган бўлиб, Алишер Навоий каби буюк мутафаккирларнинг тасаввуфий қарашларида комил инсон ҳақидаги қарашлари диний қадриятлар мезони сифатида тушунтирилади. Ислом динидаги маънавий қадриятларнинг асл инсонпарварлик, маърифатпарварлик, умуминсонийлик, бағрикенглик каби қадриятларининг моҳиятини ёшларга тўғри тушунтириш бугунги кунда нафақат миллат балки, умуминсоният олдидаги мухим масалалардан биридир. Ислом маънавий камолотга эришиш учун инсонни бир қанча асосий қадриятларга амал қилишга чорлайди. Шахс маънавиятининг энг мухим асосларидан бири иймон ва тақводир. Аллоҳга бўлган ишонч, унинг ҳукмларига бўйсуниш ва тақводорлик инсонни маънавий юксалишга етаклайди. Шунингдек, ислом қадриятлари инсонни ҳаётда учрайдиган синовларга сабр қилишга ва бор неъматларга шукр айтишга ўргатади. Бу эса шахснинг ички дунёсида барқарорлик ва хотиржамликни таъминлайди. Ислом инсонни ҳар бир ишда ҳалолликка ва ростгўйликка чақириб, уни маънавий тоза шахс сифатида шакллантиради.

Ислом ахлоқий тарбияни шахс камолоти учун асосий омил деб билади. Бунда ислом инсонни ҳаққонийликка ва адолатли бўлишга тарбиялайди. Ислом инсонни ноҳақ гаплардан, ғийбат ва тухматдан сақланишга чақириб, унинг қалбини

пок ва соф сақлайди. Маънавий камолотга эришиш учун илм олиш муҳим аҳамиятга эга. “Илм талаб қилиш ҳар бир мусулмон эркак ва аёлга фарзdir” деган ҳадис илмнинг нақадар муҳимлигини кўрсатади ҳамда илм олиш жараёнида устозларга ва ота-онага ҳурмат билан муносабатда бўлиш ҳам маънавий юксалишнинг муҳим қисми ҳисобланади.

Ислом динида ҳар бир кишининг иззати, ҳурмати, демак ибратли бўлиши унинг илмига, аклу фаросатига боғлиқ эканлиги таъкидланади. Бу хусусда Мухаммад пайғамбар ўз ҳадисларида шундай фикр билдиради: “Ҳар бир мусулмонга талаба илм қилиш фарзdir... Бир соат илм ўрганиш кечаси билан намоз ўқиб чиққандан афзалдир. Бир кун илм ўрганиш уч ой рўза тутгандан яхшироқдир” .

Ислом қадриятларини тадқиқ ва таҳлил қилиш шундан даолат берадики, Куръони Карим, ҳадиси шариф, буюк муҳаддисларнинг бизга қолдирган манбалари, маърифат аҳлиниң ўгитлари шахс ахлоқий фазилатларини камол топтиришдаги бебаҳо асос, маънавий хазинадир. Ушбу параграфда қўриб чиқилган ислом қадриятларининг шахс маънавияти такомилида муҳим омили ва унга дахлдор муаммоларнинг илмий-азарий ҳамда амалий ечимлари хусусида қўйидаги умумий-назарий хуросаларга келинди:

- Ислом қадриятлари инсоннинг ички дунёси, ахлоқи ва жамиятда тутган ўрнини тарбиялашда муҳим омил ҳисобланади. Улар шахсни нафақат ахлоқий жиҳатдан етуклика етаклайди, балки унинг жамиятда масъулияти ва фойдали инсон бўлишига ҳам ҳисса қўшади;

- Ислом қадриятлари шахс маънавиятини такомиллаштиришда энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Улар инсонни ички покликка, ахлоқий юксалишга ва жамиятда ўз ўрнига эга бўлишга етаклайди;

Ислом шахсни илмли, адолатли, ҳалол ва меҳрибон инсон бўлишга чорлайди, бу эса унинг маънавий камолотини таъминлайди. Демак, Ислом қадриятларига амал қилиш – инсоннинг ҳақиқий маънавий камолотига йўл очади.